

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти  
юқори бошқарув органининг 6 -сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2016 йил 29 феврал

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.


ДАБМ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ш.Н.Файзуллаев билан 2015 йил 31 декабрда тузилган Давлат улушини ишончли бошқарувга бериш бўйича 545-сонли шартномага асосан “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қуйидаги масала бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Давлатнинг ишончли вакили Ш.Н.Файзуллаев томонидан қабул қилинади.

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тасдиқлаш.**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти юқори бошқарув органининг 2016 йил 9 февралдаги 5-сонли қарорига мувофиқ чиқарилган номинал қиймати 430 сўм бўлган 59 719 753 дона 25 679 493 790 сўмлик акциялар тўлиқ жойлаштирилганини инобатга олиб:

**1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар матни иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Ягона акциядор ДАБМ вакили:  
Давлатнинг ишончли вакили

  
Файзуллаев  
Шокир Насибуллаевич